



“Оғир”лик ортда қолди,
намунага айландик”

2-с.

“Аввало, аҳолининг
онги, дунёқарашини
ўзгарттирдик”

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
14 июнь,
шанба

Маҳалла

№48
(2272)

WWW.UZMAHALLA.UZ

БУГУНГИ
СОНДА:

**Ёшлар қалбига
йўл топмоқ —
мустақил ҳаётга
бошламоқ демак**

“Худудимизда ёшларни иш билан таъминлайдиган ишлаб чиқариш корхоналари камлиги ёки уларга кириш имкониятлари чеклангани сабабли меҳнат кўргазмаларини кўпроқ ўтказишни таклиф этаман. Бу битирувчи ва ўқишга кира олмаган ёшлар учун жуда муҳим”.

4-с.

**“Маҳалла
тинчилиги учун,
аввало, жамоат
тартибини сақлаш
зарур”**

“Маҳалладами, жамоадами, конун устуворлигига эришиш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун, аввало, жамоат тартибини сақлаш зарур. Оилам билан ушбу маҳаллада яшаётганим учун туну кун бундай воқеалар жойига зудлик билан етиб боришим осон бўляпти. Фуқаролар осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаётган. Шу боис маҳалла 5 йилдан буён “яшил” тоифада”.

6-с.

**Беминнат кўмак
кўпчилик ҳаётини
тубдан ўзгартириб
юборди**

“Шу кунларда яна бир ғояни амалга оширишни режалаштирганмиз. Бунда ногиронлиги бўлган ва кам таъминланган оила вакиллари бўш турган бинода ташкил этиладиган тикувчилик корхонасига ишга жойлаштиришни ўйлаётганмиз. Умид қиламизки, бу кўплаб оилалар фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади”.

7-с.

САМАРҚАНДДА СЎЛИМ ВА ОБОД МАСКАНЛАР КЎПАЯДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Куронбоев Самарқанд вилояти маҳаллаларида ўрганиш ишларини олиб борди.

Жараёнда туман ва шаҳарлардаги ташкилот ва идоралар фаолияти кўздан кечирилди. Хўш, жорий йилнинг ўтган даврида ташкилотлар ўз олдида кўйган мақсадларга қанчалик эришди? Йиллик белгиланган маррага етишда қандай тўсиқлар юзага келмоқда? Ишчи гуруҳ ўрганишларнинг биринчи кунда ушбу саволлар билан қизиқди. Шунингдек, Ишчи гуруҳ Халқ қабулхоналари бўлимлари

раҳбарлари билан бирга, вилоятнинг барча туман-шаҳарларида бандлик, иш жойларини ташкил қилиш, аҳоли билан ишлаш борасида амалга оширилган ишларни таҳлил қилди. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича “Долзарб 90 кун” тадбирларини ташкил этиш ишлари ўрганилди. Аҳолининг муаммолари тингланиб, аксарияти жойида ҳал этилди.

Давоми 2-саҳифада.



••••• УЮШМА КУНДАЛИГИ



••••• ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

КАМБАҒАЛ ОИЛАЛАРГА 1,3 ТРИЛЛИОН СЎМ КОМПЕНСАЦИЯ АЖРАТИЛАДИ

Кам таъминланган оилаларга газ ва электр энергияси учун йил бўйи компенсация олиш учун аризалар қабул қилиш жараёни бошланди.

“Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишда эҳтиёжманд аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига асосан, компенсациялар қуйидаги тоифаларга мансуб оилаларга берилади:

- “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ва “Камбағал оилалар реестри”га киритилган оилалар — бунда оила аъзоларига тўғри келадиган ойлик даромад 669 минг сўмдан кам бўлиши лозим;
- икки реестрга ҳам кирмаган, ammo мол-мулки кам ва ойлик даромади ҳар бир аъзога 1 миллион сўмдан кам бўлган оилалар.

Аризалар “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, маҳалладаги ижтимоий ходим ва “1140” телефон рақами орқали қабул қилинади.

Айтиш керакки, юқоридаги жараёнда базавий меъёрдан ошган нархлар ўртасидаги фарқ компенсация қилиб берилади. Масалан, битта оила бир ойда 350 кВт.соат электр энергияси ишлатса, унинг 200 кВт.соати учун 600 сўмдан тўлайди, 201 кВт.соатдан — 350 кВт./соатгача бўлган 150 кВт.соат учун давлат компенсация беради.

Маълумот учун, 2025 йилда умумий ҳисобда 1 триллион 330 миллиард сўм миқдориде компенсация ажратилиши режалаштирилган. Айни пайтда Ўзбекистондаги кам таъминланган оилалар сони 746 минг 149 тани ташкил этмоқда.

Эслатиб ўтамиз, 2025/2026 йилги иситиши мавсумида эҳтиёжманд оилаларга 1 миллион сўмдан бир марталик моддий ёрдам берилади. У ноябрь ойида реестрларга киритилган ва “маҳалла еттилиги” хулосаси асосида ёрдамга муҳтож оилаларга тарқатилади.

••••• МУСОБАҚА

Жамоалар Уюшма кубоги учун беллашади



Бухоро ва Наманган вилоятлари ўғил ва қиз болалар ўртасидаги гандбол бўйича “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси кубоги” мусобақасининг Республика босқичига мезбонлик қилади.

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Гандбол федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган турнирнинг куйи босқичларида 432 минг нафарга яқин ёшлар иштирок этди. Мусобақанинг туман (шаҳар) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари кўтаринки руҳда ўтказилди. Бухоро Олимпия ва паралимпия

спорт турларига тайёрлаш марказида қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Жараёнда ҳудудий босқичларда ғолиб бўлган маҳалла жамоалари куйидаги гуруҳларга ажратилди:

А гуруҳи: Сирдарё, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятлари;
Б гуруҳи: Самарқанд, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳри;
С гуруҳи: Жиззах, Сурхондарё, Наманган, Фарғона вилоятлари;
Д гуруҳи: Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари.

Қизлар ўртасидаги баҳсларга мезбонлик қилаётган Наманган шаҳрида жойлашган “Баркамол авлод” спорт мажмуасида тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Шундан сўнг қуръа ташланиб, мусобақалар бошланди.

Мусобақанинг якуний натижалари ҳақида келуши сонимизда батафсил маълумот берамиз.



МАҚСАД САРИ
КУЧЛИ ҚАДАМ
БИЛАККА ҲАМ
БОҒЛИҚ ЭКАН...

8-с.



Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида МАҲБУСЛАРНИ ЖАЗОНИ ЎТАШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ УЧУН ТОПШИРИШ Тўғрисидаги Шартнома имзоланди.



IV Тошкент халқаро инвестиция форумида 30,5 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК БИТИМЛАР имзоланди.



ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИга аъзо бўлиш йўлида Женевада бозор ислохотлари бўйича эришилган ютуқларимиз тақдим этилди.

Самарқандда сўлим ва обод масканлар кўпаяди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ўрганиш ишлари Жомбой туманида давом этди. Энг аввало, "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури доирасида "оғир" тоифадаги 5 та маҳаллада амалга оширилган ариқларни бетонлаштириш, симёғочларни янгилаш ҳамда тармоқ тортиш каби ишлар ижроси билан танишилди. Тумандаги "Сарой", "Ширинкент" маҳаллалари "еттилик" билан бугунги кунга қадар амалга оширилган ишлар бўйича суҳбатлашилди ҳамда аҳоли хонадонларига кириб, томорқадан фойдаланиш маданияти кўздан кечирилди. "Долзарб 90 кун" доирасида мактабларда ёшлар учун ташкил этилган тўғараклар ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган дастур ижроси ўрганилди.

Кейинги манзил — Каттакўрғон тумани. Ўрганишлар аввалида "оғир" тоифадаги маҳаллаларда амалга оширилган ишлар кўздан кечирилди. Хусусан, аҳоли томорқасини суғориш тизимини яхшилаш учун артезиан қудуқлар қазिश, насос ўрнатиш, тармоқ тортиш каби масалалар ижросининг ўз вақтида бажарилишига аҳамият қаратилди. Туманда "оғир" тоифадаги 7 та маҳаллага жами 22 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, ушбу маблағлар ҳисобига суғориш тизими, ички йўллар ва бошқа инфратузилмалар яхшиланади. Хусусан, "Жизмонсой", "Бургансой", "Кўшқовуз", "Ёви", "Янгиобод", "Бунёдкор" ва "Қумушкент" маҳаллаларининг ҳар бирига 3,2 миллиард сўмдан маблағ ажратилиб, уларда 20 та лойиҳа амалга оширилади.



Ишчи гуруҳ Каттакўрғон туманининг олис ҳудудларидан бири — "Кўшқовуз" маҳалласида бўлди. У ердаги аҳоли томорқаларининг суғориш тизимини яхшилаш мақсадида иккита артезиан қудуқ қазилган, 4,2 километр суғориш тармоғи орқали 153 та хонадон сув билан таъминланган. Бундан ташқари, 70 та электр симёғочлари ўрнатилган. **"Мундиён" маҳалласидаги** ўрганишлар давомида "еттилик" билан бирма-бир суҳбатлашилди. Янги сайланган раисга фаолияти давомида жамоани бошқариб, уларга бош-қош бўлиши, аҳоли муаммосини "маҳалла еттилиги" аниқлаши кераклиги, уларга бириктирилган қўчаларга ўзлари жавобгар экани таъкидланди.

ТАЖРИБА

Ишбилармонлик муҳити ташаббусга ундамоқда

Маҳаллада 4 минг 460 нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Мактабгача таълим ташкилотлари, мактабларда сифатли таълим олиш учун шароит бор. Аксарият одамлар тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва томорқа хўжаликларига иш билан банд.



Шухрат Тўрабоев, Чортоқ туманидаги "Тинчлик" маҳалласи раиси.

Сўнгги йиллардаги ўзгаришлар улар учун янада қўлайлик яратди. Жумладан, аниқланган 150 нафардан зиёд ишсиз фуқаро турли имтиёزلардан фойдаланди. Жараёнда 52 нафар ёш ва 38 нафар талабгорга ижара асосида фойдаланиш учун ер берилди. "Аёллар дафтари"га киритилган 80 нафар хотин-қиз бандлиги таъминланди. "Ушиш нукта"миз — тадбиркорлик, чорвачилик ҳамда деҳқончилик. Кичик саноат ҳудуди ташкил этилган бўлиб, бу ерда 36 та лойиҳа амалга оширилди. Мухим жиҳати, тадбиркорларнинг 50 фоизи ёшлар. Бундан ташқари, хонадонда ўзини ўзи банд қилган ишбилармонлар кам эмас.

Посбонлар кўчасида яшовчи Маҳмуджон Юнусов дераза, оила яшаш хизматини йўлга қўйган. Тадбиркор нафақат оила аъзоларининг бандлигини таъминлаётти, балки маҳалладошларига ҳам фойдаси тегапти. Ҳозирда 8 та янги иш ўрни яратиб, "Устоз-шогирд" анъанаси асосида кўплаб ёшларга хунар ўргатапти.

Ҳудуддаги ишбилармонлик муҳити аҳолини ташаббускор бўлиб, оилаларни қўшимча даромад топишга ундаётти. Улар орасида кекса онахонларнинг борлиги қувонарли ҳолат. Султон ҳайит кўчасида яшовчи Хошияхон Мўминова хонадонда кўрпа-тўшақ, елпигич, ёстиқ жилди, дастурхон тикиб, яхши даромад топяпти. Эътиборлиси, онахон 18 та иш ўрни яратган. Ишчилар 1,5 миллион сўмдан 3 миллион сўмгача ойлик маош оляпти.

Бу каби ташаббусдан руҳланган меҳнат фахрийси Муяссар Мўминова ҳам хонадонда кийим-кечак дўкони ташкил этди. Ҳудудда 70 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти мавжуд. 22 та савдо дўкони ишлаб турибди. Тикувчилик йўналишида касаначилик йўлга қўйилган. Аёллар уйда ўтириб, ўзини ўзи банд қилган.

Қўшимча даромад топишда томорқадан самарали фойдаланаётган оилалар бисёр. Деярли 90 фоиз хонадонда чорвачилик, паррандачилик аҳолининг оддий юмушига айланган. Мол-қўй боқиб, йилга 50-100 миллион сўм фойда топаётганлар кўп. Мухими, оилаларнинг аксарияти туҳум, гўшт маҳсулотини бозордан сотиб олмайдди. Аксинча, рўзғордан ортганини сотиб, фойда қўрапти.

Маҳалламиз номига муносиб тинч ва обод маскан. 2023 йилда "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарори асосида 8 километр кўча асфальтланди. 2,5 километр ичимлик сув тармоғи янгиланди. Маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан электр тармоғи тортилди. Симёғочлар бетон таянч устунга алмаштирилди. 2 та янги трансформатор ўрнатилди.

Май ойида ўтказилган сайловда лавозимга қайта сайландим. Келгуси 5 йиллик дастурида бошлаган ишларни давом эттириш билан бирга ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш учун янги лойиҳаларни ишга туширмоқчимиз.

ТАЖРИБА

“Оғир”лик ортда қолди, намунага айландик”

Йиғинда 510 та хонадон бўлиб, 3 078 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шу пайтгача маҳалла инфратузилмаси жиҳатидан "оғир" ҳудуд ҳисобланарди. Жорий йилнинг баҳор фасли ўзгаришлар палласига айланди.

Дилфуза Жўрақуллова, Жиззах шаҳридаги "Тинчлик" маҳалласи раиси.

"Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" мезонлари асосида ҳудуд катта қурилиш майдонига айланиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Натижада атроф-муҳит кўз ўнгимизда том маънода янги қиёфа касб эта бошлади. Бунинг учун 3 миллиард 200 миллион сўм маблағ ажратилди.

Шаҳар марказида жойлашганимиз учун аҳоли 5 та 4 қаватли, 2 та 7 қаватли уйда яшайди. Бу уйлар атрофида кўплаб муаммо туپланиб қолганди. Жумладан, ноқонуний қурилишлар, чикиндихоналар, ободонлаштирилмаган кўчалар хунук манзара касб этарди. Дастлаб ишни шу муаммоларни ҳал этишдан бошладик. Эътиборлиси, жараёнда аҳоли ҳам фаол иштирок этди. Ўз хонадонни, кўчасининг обод ва қўркам бўлиши учун астойдил ҳаракат қилди. Ҳозиргача ҳашар орқали маҳалла ҳудудидан 60 тоннага яқин чикинди олиб чиқилиб, 200 тадан ортиқ ноқонуний бино бузиб ташланди. Бўшатилган ҳудудга 2 250 туп мевави ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Кўп қаватли уйларга ифлос ва ёгин сувларини, чикиндиларни аҳоли



яшайдиган жойлардан чиқариб ташлаш учун ер тагидан қувурлар, санитария-техника иншоотлари тизими тармоғи тортилиб, маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино қурилди. "Еттилик" ходимларига барча шароит яратиб берилди. Мавжуд тўққизта кўчага 100 та тунги ёритиш чироклари ўрнатилиб, электр тармоғи янгиланмоқда. Эски 90 та симёғоч темир бетон таянч устунларга алмаштирилди. Бунёдкорлик ишлари давом этиб, яна 4 та трансформатор тўлиқ янгиланди.

Ўз навбатида эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиниб, зарур ёрдам кўрсатишмоқда. Мисол учун, Адолат кент кўчасида яшовчи, "Аёл-

лар дафтари"да рўйхатда турувчи Луиза Ражабовага замонавий қўлайликларга эга янги уй-жой қурилиши нихосига етмоқда. Бундан ташқари, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оила вакили Турсуноӣ Хамроқулловага 2 хонали уй қуриб берилди. Ёлғиз она Зебо Абдуллаеванинг бир йиллик ижара тўлови қопланди. Нурхон Абдуллаевага саломатлигини тиклаши учун 10 миллион сўм, Дилрабо Тожиевага 6 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. 1-гуруҳ ногирони Охун Жўраевага уйни таъмирлаши учун 15 миллион сўм ажратилди.

Адолат кент кўчасида аҳоли томорқасини суғориш учун ариқлар бетонланди. Бу ишни "Фориш"



масъулияти чекланган жамиятига қарашли "Euro Sport Stroy" жамоаси амалга оширди. Бетон ариқларнинг умумий узунлиги 953 метрни ташкил этади. Маҳалла аҳоли бундан буюн экинларини суғоришга қўйналмайди.

Инсон қўли гул, деганларича бор. Кечагина абгор, таъмирталаб бўлган кўчалар ташаббускорлик, бунёдкорлик натижасида гўзал масканга айланди. Кўп қаватли уйлар ҳовлисида болалар майдончаси, айвонлар барпо этилди. Чикиндихоналар ўрнига махсус идишлар ўрнатилди.

Бир сўз билан айтганда, "Тинчлик" шаҳардаги намунали маҳаллалардан бирига айланди.

ТАЖРИБА

ОИЛАЛАР ҲАМ ИШЛИ, ҲАМ ДАРОМАДЛИ БЎЛМОҚДА

Меҳнат қилган, ҳаракатдан тўхтамаган одам кам бўлмайди. Бунинг ўзбекистон туманидаги "Оқмаскид" маҳалласи мисолида кўриш мумкин. Деҳқончилик — "драйвер" соҳа ҳисобланади. Бу ерликлар қовун етиштиришнинг устаси.



Мафтуна МАМАСИДИҚОВА.

Илгари қишлоқ одамлари фермер хўжаликлари-нинг биринчи экиндан бўшаган ерларини ижарага олиб қовун экарди. Бугун вазият ўзгарди. Энди ҳар бир деҳқон мулкдорга айланган. Улар кўп йиллик ижара асосида фойдаланишга ажратилган ерлардан даромад оляпти. Йиғин ишсизлик ва камбағалликдан холи. Айниқса, бу ташаббус ортидан хорижда меҳнат қилаётган мигрантларни ортага, ватанга қайтаришга эришиляпти.

Улардан бири — Жўрабек Усмонов. Хорижда ишлашга кетган пайт бу йигит 20 ёшда эди. Айни ёшлик йиллари мусофирликда ўтди. Қурилиш соҳасида

ишлаган қишлоқ йигитига осон бўлмади. Утган 7 йил 70 йилдек машаққатли кечди. У билан янада яқин алоқа ўрнатилди. Яратилган шароитлар билан таништирилди. "Драйвер" асосида унга ер ажратиш таклифи билдирилди. Бундан хурсанд бўлган йигит 2024 йилнинг бошида қишлоғига, оиласи бағрига қайтди. Унга 30 йил мuddатга

20 сотих унумдор ер берилди. Утган йили кузги ҳосилни олди. Бу йил эрта баҳордан деҳқончиликка астойдил киришди.

Умуман, "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида 29 нафар йигит-қиз қовун, тарвуз парваришлаб, самарасини кўрмоқда. Қишлоқдаги кўплаб оилалар, хусусан ёшлар ҳам ишли, ҳам даромадли бўлмоқда.





Янги Тошкентда Санкт-Петербургнинг меъморий элементлари ва диққатга сазовор жойларидан фойдаланган ҳолда “ПЕТЕРБУРГ МАҲАЛЛАСИ” ҚУРИЛАДИ.



“Volkswagen” “Узавтосаноат” билан ҳамкорликда ЎЗБЕКИСТОНДА АВТОМОБИЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ.




“Ўзатом” Франциянинг “Assystem” компанияси билан ИНЖИНИРИНГ ҚЎШМА КОРХОНАСИНИ ташкил қилади.

ТАШАБУС, ТАКЛИФ

ТОМОРҚА МАКТАБИ

“Аввало, аҳолининг онги, дунёқарашини ўзгарттирдик”

Кўпчилик сизга ишонч билдирса ёқимли, албатта. Аммо шу ишонччи оқлай олиш катта масъулият. Мен ҳам маҳаллада ҳоким ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилган дастлабки йилдан раҳбарият ва аҳоли қўллови билан бу лавозимда иш бошлаганман.



Саҳоб ЧАНЧАРОВ, Олмалик шаҳридаги “Коинот” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Ҳақ масъулият ҳисси сабабли, янги тизимда ишлаш олармиканман, деган ҳадик бўлган. Аҳоли билан ишлаш осон туюлгани билан жуда нозик жиҳатлари бор экан. Яъни, ҳар бир фуқарони эшитиш, муаммосига ечим топиш учун тунни кунга улашга тўғри келди. Маҳаллада ижобий натижага эришиш учун, аввало, ҳудудда яшовчиларнинг онги, дунёқарашини ўзгарттиришга эришдик. Дастлаб ишни ҳатловдан бошладик. Чунки ҳудуддаги ҳар бир фуқаронинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини ўрганмасдан, фикрига қулоқ тутмай туриб, ижобий натижага эриша олмадик. Жараёнда кўп оилалар ижара асосида истиқомат қилиши аниқланди. Шу боис, уй эгаларини суриштириш, яшовчилар ҳақида маълумот тўплаш бироз қийинчилик туғдириди. Ҳатлов натижасига кўра, асосий “ўсиш нуқта” мизни белгилаб олдик. Ҳудуд

асосан, кўп қаватли уйлاردан иборат бўлгани учун савдо ва хизмат кўрсатиш – “драйвер”га айланди. 10 та кўчада жами 3 510 нафар аҳоли яшайди. 2025 йил бошида ишсиз сифатида қайд этилган 18 нафар фуқаронинг барчаси ишга жойлашди. Аммо бу жараён миграция ҳисобига ўзгариб турибди. Ўтган вақт давомида яна 10 та ишсиз рўйхатга олинди. Гарчи аксарияти ҳудудда ижара асосида яшаса-да, эътиборсиз қолдирмаяпмиз.

Имтиёзли кредит ва субсидияни, биринчи навбатда, эҳтиёжманд, шароити оғир ватандошларга беришни йўлга қўйганмиз. Мақсад – ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд оилалар даромадини ошириш. 2024 йилда 27 нафар фуқарога 652,4 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Яна 2 та косметология, 2 та уй боғчаси, 5 та тикувчилик ҳамда 3 та ширинлик тайёрлаш йўналишидаги лойиҳаларга кредит, субсидия ажратилиб белгиланган.

Зарина Умарова – боқувчисини йўқотган ёлғиз она. Фарзанди ёш бўлгани боис ҳеч қаерда ишламасди. Фақат уйда ўтириб, ўзини ўзи банд қила олади. Шундан келиб чиқиб, унга қизиқиши асосида “Аёллар саргароҳонаси” ташкил этиш учун субсидия орқали зарур жиҳозлар олиб бердик. Бугунги кунда янги даромад топиб, рўзғори бутлигини таъминлаяпти. Муҳими, энди у ёрдамга муҳтож эмас, ёрдамлашувчи тадбиркор.

Аҳоли билан ишлашда бир муаммо кузатишмоқда. Яъни, фуқароларда чиқинди ташлаш маданияти шаклланимаган. Махсус қўтилар бўлса-да, чиқиндиларни кенг майдонлар, йўللарга ташлаб кетишапти. Ҳар кунни ободонлаштириш ходимлари тазалаб, улгурга олмаёпти.

Маълумки, ёз фаслида экиладиган экин турлари орасида турп алоҳида ўрин тутади. Ушбу жараёнга жиддий эътибор берилмаса, ҳосилдорлик тушиб кетади. Аввало, танланган уруғ тоза, юқори унвучан, касалланмаган, ўртача катталиқда, бутун, зарарланмаган бўлиши зарур. Агар бошқа ўсимликлар уруғи ва аралашмалари бўлса, саралаб олинади.

Ўзда экилган турпни қандай парваришлаш керак?

Аҳоли билан ишлашда бир муаммо кузатишмоқда. Яъни, фуқароларда чиқинди ташлаш маданияти шаклланимаган. Махсус қўтилар бўлса-да, чиқиндиларни кенг майдонлар, йўллارга ташлаб кетишапти. Ҳар кунни ободонлаштириш ходимлари тазалаб, улгурга олмаёпти.



Рустам НИЗОМОВ, Сабзавот, полиз экинлари картошқачилик илмий-тадқиқот институти директори.

Экишдан олдин майдон ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозаланади. 1 сотих ерга 200 кг. табиий ўғит солинади. Тупроқ 20-25 см. чуқурликда қовлашиб, табиий ва минерал ўғит ёрдамида юмшатилади. Йирик кесаклар майдаланиб, яхшилаб текисланади. Сўнгги сўғориш эгatlари олинади.

Марказий минтақада жойлашган ҳудудларда 1-15 августда, шимолий ҳудудларда 25 июль-10 август, жанубий вилоятларда 20 август-20 сентябрда сочма ҳамда қатор ораларига экилади. Ҳар икки усулда ҳам эгат ораси 70 см. ҳажмда бўлади. Амалиёт қўлда бажарилади. Ҳар 1 сотих ерга 50-60 грамм турп уруғи сарф бўлади. Улар 1,5 см. чуқурликка қадалади. Ниҳол униб чиққандан сўнг ўташ ва ағналаш керак. Биринчи яғана уруғ ердан униб чиқиши билан, иккинчиси 2-3 барг чиққанда ўтказилади.

Бунда туп ораси 10-12 см. кенгликда қолдирилади. Қатор ораларини ўсимлик атрофи билан кўл кучи ёрдамида 15-16 см. чуқурликда юмшатиб туриш, минерал озуқа ва сув бериб бориш керак. Ўсиш даврида бу амалиёт ҳар икки-уч суғоришдан кейин бажарилади.

Турп майдони бегона ўтлардан тозаланиб, яғана қилингандан сўнг ўғитланади. Бунда 1 сотих ерга сульфат аммоний – 2 кг., аммофос – 1,5 кг., калий хлор – 0,5 кг. меъёрда солинади.

Бу маҳсулотга узунбурун, шира, барг бургаси каби зараркундалар ва ун-шудринг, оқ чириш касаллиги катта зарар етказиши мумкин. Зараркундаларга қарши 10 сотих экин майдонига “Моспилан” кимёвий дориси 25-30 грамм меъёрда қўлланилади.

Касалликларга қарши “Превикур”, “Курзат Р” ёки бир фоизли Бордо суюқлигини пурқаш яхши самара беради. Бу кимёвий дориларни мутахассис назоратида қўллаш тавсия этилади.

Турп экинни совуққа чидамли бўлса-да, илдиэмваси тупроқ музлаб қолмасдан олдин йиғиб олиниши керак. Ўртача 10-15 см. катталиқдаги турп мевасининг сифати юқори бўлади. Бирок ҳосил илдиэмвалар диаметри 5-10 см. бўлганда ҳам йиғиб олиниши мумкин.

МЕНДА САВОЛ БОР...

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ БЕКОР ҚИЛИНСА...

Сарварой НОСИРОВА. Учкўрғон тумани:
— Ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда, меҳнат дафтари кимга ва қандай қайтарилади? Агар ходим вафот этган бўлса-чи?



Акмал ОЧИЛОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:
— Меҳнат кодексининг 171-моддасига асосан, иш берувчи меҳнат шартномаси бекор қилинган кунни ходимга меҳнат дафтари аслини ёки электрон кўчирмасини, шунингдек, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ нусхасини бериши шарт. Иш берувчи ходимнинг ёзма аризасига кўра, унга иш билан боғлиқ ҳужжатларнинг тегишли равишда тасдиқланган кўчирма нусхаларини ҳам беришига мажбур.
Меҳнат шартномаси бекор қилинган кунни ходим йўқ бўлса ёки ҳужжатларни олишни рад этса, кейинги иш кунидан кечиктирмай ходимга меҳнат дафтари аслини олиш учун келиши ёхуд меҳнат дафтари почта орқали юборилишига розилик бериши зарурлиги ҳақида билдиришнома юбориш шарт.
Ходим вафот этган бўлса, меҳнат дафтари аслини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 3.4-бандига асосан, яқин қариндошларига тилхат ёздириб олиш йўли билан топширилади ёки уларнинг талабига кўра, почта орқали жўнатилади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?



ҲУДУДЛАРНИНГ ОЗОДА ВА САРИШТАЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Бешариқ туманидаги “Дехқонтўда” ҳамда Ўзбекистон туманидаги “Кичик Оқмасжид” маҳаллаларида “Маҳалла сервис компанияси” иш бошлади.

— Президент ташаббуси билан ўтган йили 208 та маҳаллада тажриба тариқасида “Маҳалла сервис компанияси” ташкил этилганди, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи А.Зиёвуддинов. — Бу тажриба қисқа вақтда ижобий натижага эришилди. “Чорбоқтўра” ва “Уттизанбар” маҳаллаларида истиқомат қилувчи аҳолига 32 хил турдаги хизматларни таклиф қилмоқда. Жумладан, маҳаллаларни ободонлаштириш, кўчалар ва ариқлар тозаллигини таъминлаш, кўчалар экиш ва парваришлаш мазкур ташкилот вазифасига қиради. Бундан ташқари, улар шартнома асосида коммунал тармоқларни таъмирлаш, чиқиндиларни

саралаш ва ташвиш хизматини кўрсатади.
“Кичик Оқмасжид” маҳалласи аҳолиси ҳам ташаббусдан фойдаланиб, улар энди томоққадан самарали фойдаланиш ва бошқа уй ишлари билан бажаришда қийинчиликка учрамайдими. Муҳими, шу ернинг ўзида жами 30 та янги иш ўрни яратилди.
“Маҳалла сервис компанияси”нинг очилишига бағишланган тадбирларда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармаси ва туман бўлими ходимлари, туман ҳокимлиги вакиллари, нурунийлар, маҳалла фаоллари иштирок этди.



**ЎЗБЕКИСТОН
ВА АФФОНИСТОН
ҲУКУМАТЛАРИ** ўртасида
Имтиёзли савдо
тўғрисидаги битим ҳамда
савдо-сотик бўйича
ҳамкорлик дастури
имзоланди.



Ўзбекистонда
давлат мактабларининг
БИРИНЧИ СИНФИГА
ҚАБУЛ 20 июндан
бошланади.



“Тошкент-Андижон” ва
“Тошкент-Самарқанд”
ПУЛЛИ ЙЎЛЛАРИНИ
ҚУРИШ ХАРАЖАТЛАРИ
нархи пасайтирилади.

ФИКР

Энергетик ичимлик, бу — болалар ҳаётига таҳдид!

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ёшлар орасида энергетик ичимликларни истеъмол қилиш одатга айланаётгани кузатилмоқда. Бу нафақат соғлиқ учун хавфли, балки жамиятдаги маънавий ва ҳуқуқий тартибнинг бузилишига олиб келиши мумкин.

Шахноза ХАЛИЛОВА.

Шу боис Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга энергетик ичимликларни 18 ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилишни тақиқловчи ва бунинг учун аниқ жавобгарлик белгиловчи меъёrlар киритилди. Тартибга кўра, энергетик ичимликларни ёшларга сотиш:

• жисмоний шахсларга — базавий ҳисоблаш миқдори-

нинг 5 бараваридан 10 бараваригача, яъни 1 миллион 875 минг сўмдан 3 миллион 750 минг сўмгача; • мансабдор шахсларга — базавий ҳисоблаш миқдори-нинг 7 бараваридан 15 бараваригача, яъни 2 миллион 625 минг сўмдан 5 миллион 625 минг сўмгача жарима солинишига сабаб бўлади.

Бу жарималар қонунни бузишга юзаки қараётганлар учун жиддий огоҳлантирувдир. Албатта, “билмаган эканман” деган баҳоналар ҳам бўлиши мумкин. Аммо қонунни

билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди” деган тамойил бундай ҳолатларда ҳам тўлиқ амал қилади.

Энергетик ичимликлар — кўпинча кофеин, таурин, глюкуронолактон, қанд ва бошқа рағбатлантирувчи моддаларни ўз ичига олади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу моддалар вояга етмаганлар танасига кучли таъсир қилади. Юрак тез уришидан тортиб, асабийлашиш, уйқусизлик, гиперфоолик ва ҳатто неврологик хасталикларга олиб келадиган ҳолатлар қайд этилиши мумкин. Айрим ҳолларда энергетик ичимликлар бошқа зарарли одатларга, масалан, тамаки ёки алкоголь истеъмолига эшик очиб беради.

Бугунги кунда энергетик



ичимликларнинг эркин сотилиши, айниқса, мактаб ёки коллеж атрофидаги дўконларда ёшлар учун осон етиб бориши жиддий хавф тўғрисида. Масалан, Самарқанд вилоятидаги мактаблар яқинида фоолият юритаётган кичик дўконларда ўтказилган

рейдлар вақтида 16 ёшли ўқувчига энергетик ичимлик сотилгани аниқланган ва дўкон эгаси жаримага тортилган. Бу каби ҳолатлар нафақат тадбиркорлар, балки уларга рухсат берган маҳаллий раҳбарларнинг ҳам масъулиятини оширади.

Қонуннинг мақсади жазолаш эмас, балки ёшларни ҳимоя қилиш, келажак авлод соғлом бўлиб вояга етиши учун шарт-шароит яратишдир. Энди дўкон, супермаркет, кафе ва бошқа савдо нуқталарида масъул шахслар ҳар бир мижознинг ёшини текшириш, шубҳали ҳолатда шахсини тасдиқловчи ҳужжат сўраш мажбуриятига эга.

Ҳар биримиз биламиз: болалар мамлакатнинг эртанги куни саналади. Демак, биз уларни нафақат таълим, балки соғлом ҳаёт тарзи ва тўғри тарбия билан ҳам таъминлашимиз шарт. Энергетик ичимликларнинг зарари ҳақида тушунтириш ишларини мактаб ва ота-оналар ўртасида кучайтириш — бу қонун билан бирга бориши керак бўлган жараён.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин-ки, энергетик ичимликларнинг ёшларга сотилиши фақатгина уларнинг соғлиғига зарар етказиш билан чекланмайди, балки бутун жамиятнинг келажигига таҳдиддир. Давлат бу борада ўз вазифасини қонун билан белгилади. Энди бу қонунга амал қилиш — ҳар бир фуқаро ва мансабдор шахснинг фуқаролик бурчидир.

МАНЗАРА

Ёшлар қалбига йўл тошмоқ — мустақил ҳаётга бошламоқ демак

Иш бор жойда камчилик бўлади, дейишади. Шу гапда жон бор. Ёшлар билан ишлаш жараёнида шомасдан, аста-секин, қилган ишларингдан хулоса чиқариб, кейинги қадамни тўғри қўйиш керак бўлади. Қайси усул иш берди, қайсиси қайта кўриб чиқишни талаб қилади — камчиликлар айнан шу жараёнда кўринади.



Достон АЪЗАМОВ,
Фуркат туманидаги
“Қизил қиёк” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Узим фаолият олиб бораётган ҳудудда қарийб 800 нафар ёш истиқомат қилади. Улар турли тарбия, турли муҳит, турли орзу-мақсад ва тушунча эгалари. Бир сўз билан айтганда, ҳар бири алоҳида дунё. Биз улар билан индивидуал ёндашув асосида иш олиб боришга ҳаракат қиламиз. Энг кўп эътибор талаб этадиган тоифа — профилактика рўйхатда турган, “оғир” тоифага кирувчи 18-19 ёш атрофидаги ўсмирлардир. Баъзида улар билан тил топишиш, ишончига кириш осон кечмайди. Аммо шунга қарамай, ёшларнинг кайфияти, қизиқликлари қараб, турли маънавий

тадбирлар, спорт мусобақаларига жалб қилиш орқали уларнинг қалбига йўл топишга интиламиз.

Бу йил “Ёшлар ойлиги” ҳамда “Долзарб 90 кун” доирасида жами 97 та турли лойиҳа ва тадбирларни ўтказишни режалаштирганмиз. Мақсадимиз — ёзги таътил пайтида ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг қизиқликлари аниқлаб, тўғри йўналишга бошлаш.

Маҳаллаимизда футбол тўғрисида ташкил қилинган бўлиб, мунтазам машғулотлар ўтказилапти. Бундан ташқари, футбол ва волейбол бўйича қўшни маҳаллаларда ўртоқлик учрашувлари ташкил қилинапти. Яқинда қўл жанги бўйича ўтказилган вилоятлараро мусобақада маҳаллаимиз ёшларидан Сарвиноз Оллаёрова биринчи ўринни кўлга киритиб, барчамизни қувонтирди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича амалий ишлар қилин-

моқда. Жорий йилда 3 нафар қизга субсидия асосида тикув машиналари тақдим этилди. 8 нафари чевархоналарда иш билан таъминланди. 2 нафари тадбиркорлик йўналишида таълим олди. Хозирда 3 нафар қиз корейс ва немис тилларини ўрганмоқда. Шунингдек, мамлакатда чорвачилик йўналишида кредитлар кенгайтирилаётгани туфайли ёшлар орасида қўйчилик билан шуғулланаётганлар сони ортмоқда. 2024 йилда ўртача 35-40 миллион сўм миқдоридagi кредит асосида 24 нафар ёшга молиявий ёрдам берилди.

Бугунги кунда ҳудуддаги ижтимоий эҳтиёжманд оилалар фарзандларига тадбиркор, ҳомиёлар кўмағига ёрдам бериш устида иш олиб бораёмиз. 25 та эҳтиёжманд хонадон аъзолари учун озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш бўйича рўйхат шакллантирилди.

“

Орзигул Мамасолиева
субсидия асосида
2,5 миллион сўмлик
тикув машиналари билан
таъминланди.
У боқувчисини йўқотган,
эҳтиёжманд оилалардан
бири эди. Ҳозирги кунда
чеварчилик орқали
даромад топиб, оиласи
фаровонлигига ҳисса
қўшмоқда.

Ёшларни маданият ва санъатга қизиқтириш учун маданий ҳудуд ташкил этиш тақлифини бермоқчиман. Янги фильмлар намойиши, мусиқий чиқишлар ва интерфаол ўйинлар орқали ёшлар учун вақтни мазмунли ўтказиш имконини яратиш керак.

Шу билан бирга, ҳудудимизда ёшларни иш билан таъминлайдиган ишлаб чиқариш корхоналари камлиги ёки уларга кириш имкониятлари чеклангани сабабли меҳнат кўргазмаларини кўпроқ ўтказишни тақлиф этаман. Бу битирувчи ва ўқишга қира олмаган ёшлар учун жуда муҳим.

Албатта, барча муаммоларни бир кунда ҳал қилиб бўлмайди. Лекин биз ҳаракатдамыз. Ҳар бир ёш қалбига етиб бориш, унга ишонч бағишлаш, салоҳиятини юзга чиқариш — бизнинг энг муҳим вазифамиздир.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ЁШЛАР БИР МАҚСАД АТРОФИДА ЖАМ БЎЛДИ

Хатирчи туманидаги “Сариканда” маҳалласида “Ёшлар ойлиги” ҳамда “Долзарб 90 кун” доирасида “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида фестивал бўлиб ўтди.



Тадбирнинг тантанали очилиш маросимида маҳаллада ташкил этилган бокс тўғрисидаги аъзолари ўз маҳоратини намойиш этишди. Айни пайтда бу тўғраракка 50 нафардан ортиқ ёш қамраб олинган бўлиб, уларнинг мунтазам спорт билан шуғулланиши учун ёшлар етакчиси Хайитбой Ҳасанов ташаббуси билан барча зарур шароитлар яратилган.

Тадбирда “Ибрат фарзандлари”, “UstozAI”, “UzChess”, “Мутулаа” ҳамда “Қизлар академияси” каби қатор муҳим ва замонавий йўналишлардаги лойиҳалар тақдими ўтказилди. Ушбу лойиҳалар маҳалладаги ёшларнинг иқтидори ва салоҳиятини намойиш этишга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

— Ёш оиларида ёшлар учун 97 та тадбир ташкил қилишни режалаштирганмиз, — дейди Хайитбой Ҳасанов. — Бу лойиҳалар уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, шахсий ривожига кўмак бериш ҳамда фойдали фаолиятга жалб этиш мақсадида қилинмоқда. Биз, ёшлар етакчилари сифатида ҳар бир йиғиш-қизни эртанги куни учун масъул шахс қилиб тарбиялашга ҳаракат қиламиз. Ёшларнинг тақлиф ва ташаббуслари бўлса, биз ҳаммиса эшитишга, қўллаб-қувватлашга тайёرمىз.

Маҳаллада олиб борилаётган мазкур ишлар ва кўтаринки руҳда ўтказилаётган тадбирлар “Сариканда”даги ёшларнинг биргаликда ҳаракат қилишига, билим ва салоҳият билан катта мақсадларга интилишига кенг йўл очмоқда.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Кафилликни қандай бекор қилиш мумкин?

Анвар ЭРКИНБОЕВ.

Ангор тумани:

— Менинг дўстим банкдан қарз олганида унга ишонч билдириб, кафил сифатида имзо чекканман. Аммо вақт ўтиши билан айрим сабабларга кўра, бу мажбуриятни зимманда сақлашни хоҳламай қолдим. Шу боис қонуний жиҳатдан билишни истардим: кафилликни бекор қилиш мумкинми? Агар мумкин бўлса, бу қандай тартибда амалга оширилади?



Фазлиддин ЁДГОРОВ,
Тошкент шаҳар иқтисодий судлов
ҳайъати судьяси:

— Фуқаролик кодексига кафилликни бекор қилиш асослари аниқ кўрсатилган. Унга кўра, қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлса, кафиллик шартномаси қонуний равишда тугатилади:

1. Асосий мажбурият бекор қилинган бўлса — яъни қарз ёпилган, шартнома бекор қилинган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса.
2. Асосий мажбурият кафилнинг розилигисиз ўзгартирилса — масалан, қарз миқдори оширилса ёки муддати узайтирилса ва бу ўзгариш кафилга ноқулай оқибат келтирса.
3. Қарз бошқа шахсга ўтказилса ва кафил бунга рози бўлмаса — яъни янги қарздор учун

кафиллик беришга ёзма розилик берилмаган бўлса.

4. Кредитор тегишли ижрони қабул қилмаса — агар қарздор ёки кафил ўз мажбуриятини бажаришни тақлиф қилса, аммо кредитор бунга рад этса.

5. Кафиллик учун белгиланган муддат ўтиб кетса — шартнома ёки қонун билан белгиланган муддат ичида кредитор кафилга нисбатан даъво киритмаган бўлса.


Агар сиз юқоридаги ҳолатлардан бири-ни аниқласангиз, кафиллик шартномасини бекор қилиш учун фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгасиз. Суд қонуний асосларга таяниб, ишни кўриб чиқади ва қарор қабул қилади.



Май ойида
Ўзбекистонга
1,1 МИЛЛИОН
НАФАРГА ЯҚИН
ХОРИЖИЙ САЙЁҲ
таширф
бурюган.



ҲАЖ
ЗИЁРАТИНИ
АДО ЭТГАН
Ўзбекистонликларнинг
биринчи гуруҳи
Тошкентга
қайтди.



Японияда
Ўзбекистонлик
ЁШЛАР
ТАШКИЛИЙ
РАВИШДА
ишга
жойлаштирилади.

ХАБАРДОРМИСИЗ?

ХУҚУҚБУЗАРЛИКНИ
ҚАЙД ЭТГАН
ФУҚАРОЛАР
РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ



Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 7 июндаги тегишли қарори билан "Жисмоний шахслар томонидан қайд этилган сув ҳўжалиги соҳасидаги хуқуқбузарликлар тўғрисидаги фотосуратлар ва (ёки) видеоёзувларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ҳамда уларни тақдим этган шахсларни рағбатлантириш тартиби ҳақида" ги низом тасдиқланди.

Шаҳноза ҚОРИЕВА,
Тошкент давлат
иқтисодиёт университети
"Меҳнат иқтисодиёти" кафедраси
катта ўқитувчиси.

Низом Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 74-моддаси 2-қисмида назарда тутилган маъмурий хуқуқбузарликларга нисбатан таъбиқ этилади.

Фуқаролар сув ҳўжалиги соҳасида бирор хуқуқбузарликка гувоҳ бўлса, уни видеотехника воситалари орқали қайд этиб, 48 соатда Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув ҳўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига (Инспекция) "v-nadzor.gov.uz" веб-сайти орқали юборди.

Фото ва видеоматериалларда кўйидагилар акс эттирилиши лозим:
– содир этилган хуқуқбузарлик;
– хуқуқбузарлик содир этган шахс тўғрисидаги маълумотлар (агар маъжуд бўлса);
– хуқуқбузарлик содир этилган манзил, аниқланган сана ва вақт.

Қоида тарикасида, фото ва видеоматериалларнинг давомийлиги 120 сониядан ошмаслиги лозим. Улар 10 кун муддатда Инспекциянинг масъул ходими томонидан кўриб чиқилади. Хуқуқбузарлик биринчи маротаба содир этилган бўлса, хуқуқбузарга сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби (қоидалари) такроран бузилишининг олдини олишга қаратилган тавсиялар юборилади.

Маъмурий жазо чораси қўлланганидан кейин 1 йил давомида хуқуқбузарлик такроран содир этилган тақдирда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларида назарда тутилган миқдорларда жарима солишга сабаб бўлади.

Фото ва видеоматериалларни юборган шахслар хуқуқбузардан ундирилган жарима ҳисобидан БҲМнинг 25 фоизи миқдорда пул муқофоти билан рағбатлантирилади. Рағбатлантириш жарима ундирилган кундан бошлаб 15 кун муддатда амалга оширилади

300 та маҳаллада қуёш
фотоэлектр станцияси қурилади

Тошкент вилоятида жойлашган, "оғир" ва "қизил" тоифага кирувчи 300 та маҳаллада кичик қуёш фотоэлектр станциялари қурилиши белгиланди. Бу ҳақда вилоят ҳокимининг тегишли қарори имзоланди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
журналист.

Лойиҳанинг дастлабки босқичида Оққўрғон туманидаги "Ёшлик", "Зарбдор" ва "Эртанғали" маҳаллаларида кооперация асосида қуввати 180 киловаттдан 500 киловаттгача бўл-

ган қуёш фотоэлектр станциялари қурилиши режалаштирилган. Ушбу станциялар маҳаллий аҳолининг электр таъминотини яхшилаш билан бирга, қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига иқтисодий тежамкорликни ҳам таъминлайди. Шу билан бирга, ташаббус Бўка, Қуйи Чирчиқ, Оҳангарон ва Пискент туман-

ларидаги олис ва инфратузилмаси суст ривожланган 16 та "қизил" тоифадаги маҳаллани ҳам қамраб олмақда. Лойиҳа доирасида умумий ҳисобда 10 минг 435 та хонадон энергия билан таъминланиши кутилмоқда. Шунингдек, 751 та камбағал оилалар аъзолари ишли бўлади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?



ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

“Тинчлик учун,
аввало, тартиб зарур”



"Сарой" маҳалласи туман марказидан 13 километр олисда, М-37 "Бухоро – Навоий – Самарқанд" автомобиль йўли бўйида жойлашган. Шу боис бу ерда кечая кундуз транспортлар ҳаракати тўхтамайди. Бу эса биздан янада хушёрликни талаб этади. Шу боис ўқувчилар хавфсизлигини таъминлаш учун пиёдалар йўл белгиси чизиб, светофор ўрнатдик. Ҳар куни ўқувчиларнинг мазкур йўлдан ўтиб-қайтишини назорат қиляпмиз.

Дилшод РАҲМАТОВ,
Пахтачи туманидаги
"Сарой" маҳалласи
профилактика катта инспектори.

Маҳаллада хавфсиз муҳитни яратиш, хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича самарали иш ташкил этилган бўлиб, "маҳалла еттилиги" аъзолари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Агар бирор кўнгилсиз ҳолат юз берса, зудлик билан "еттилик" иштирокида манзилга етиб борамиз ва муаммони жойида хал этиш чораларини кўрамиз. Низоли, спиртли ичимликка ружу қўйган, мақаддам судланган фуқароларни алоҳида тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли

ишляпмиз. Ҳар бири ҳақида "еттилик" аъзоларига ижтимоий профилактик хулосаси асосида бириктириб, ижтимоий-маиший муаммоларини биргаликда ҳал этапмиз. Шу тариха нотинч оилалар яраштириляпти. Бу жараёнда оила бекаларига берилётган ҳимоя ордери яхши натижа берляпти. Нурунийлар маслаҳати ҳам самарали бўляпти.

Одатда, кунлик иш фаолиятимни 8 та кўча бошилари билан телефонда гаплашишдан бошляман. Шундан сўнг кўчама-кўча юриб, фуқаролар билан мулоқотда бўлиб, уларга хуқуқбузарликларнинг салбий оқибатлари, кибержиноятларнинг асл сабабларини тушунтириб бораман. Чунки фуқароларнинг хуқуқий саводхонлиги, маданияти юқори бўлса, турли қинғир ишларга алданиб қолмайди.



"Сарой" маҳалласида 1021 та оила бўлиб, унда 3 675 нафар аҳоли истиқомат қилады.

Бироқ ҳаёт давом этар экан, турли келишмовчилик ва низолар, хуқуқбузарликлар бўлиб туради. Фақат уларнинг барвақт олдини олиш зарур. Бу борада "маҳалла еттилиги" аъзолари билан зарур чора-тадбирлар олиб боряпмиз. Хусусан, ҳудуд хавфсизлигини таъминлаш учун кўчаларга, чорраҳаларга, жамоат жойлари ва барча савдо дўконларига замонавий видеокузатув қурилмалари ўрнатиб, хизмат хонамга интеграция қилиш чораларини кўряпмиз. Жиноятларнинг аксарияти тунги вақтда содир бўлишини инобатга олган ҳолда кўча бошилари, фаоллар ва ёшлардан иборат тунги навбатчилик гуруҳларини ташкил этиб, кузатув-назорат тадбирларини ўтказаяпмиз.

Маҳалладами, жамоадами қонун устуворлигига эришиш, фуқароларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш учун, аввало, жамоат тартибини сақлаш зарур. Шу боис яқинда спиртли ичимлик истеъмоли таъсирида жамоат тартибини бузиб, хуқуқбузарлик содир этиши мумкин бўлган фуқаронинг

ҳатти-ҳаракатига чек қўйдик. Унга маъмурий хуқуқбузарлик қўлланилди. Яна бир ҳолатда суд ҳукми билан уй қамоғига олинган фуқаро тартиб-қоидага бузган учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Оилам билан ушбу маҳаллада яшаётганим учун туну кун бундай воқеалар жойига зудлик билан етиб боришим осон бўляпти. Қолаверса, кечая кундуз шу ҳудудда бўлиб, жиноятчиликнинг олдини оляпман, фуқаролар осойишталиги ва хавфсизлигини таъминляпман. Шу боис маҳалла 5 йилдан буён "ашиқ" тоифада.

Одамларнинг розилигини олиш осон эмас. Бироқ Ўзбекистон Республикаси халқи ва Президентига садоқат билан хизмат қилиш учун ичган қасамёдимга содиқ қоламан. Бу йўлда изланиш ва ҳаракат қилишдан тўхтамайман. Чунки касбимни яхши кўраман. Қолаверса, болаликдан отамга ҳавас қилиб, ушбу касбни танладим. Мақсадим – отам каби эл-юрт тинчлиги йўлида ҳалол-поқ ишлашдир.



ЭШИТДИНГИЗМИ?

Фуқароларнинг
хуқуқлари кучайтирилди

Ўзбекистон Республикаси Президентини имзолаган тегишли қонун билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Қонун билан Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгаришга кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи исталган вақтда суқут сақлаш хуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги белгиланди. Шунингдек, шахсининг ўз айбини тан олганини унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги кўзда тутилди. "Судлар тўғрисида" ги қонунга кири-

тилган ўзгариш ва қўшимчаларга кўра, судьяларнинг муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслиги белгиланди. Шунингдек, судьяни муайян ишнинг муҳокамасидан четлаштиришга ёки унинг ваколатларини тўхтатиб туришга, бошқа лавозимга ўтказишга фақат қонунда белгиланган тартибда ва асосларга кўра йўл қўйилиши кўрсатилди. Мазкур қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

КОНДИЦИОНЕРНИ ТЎҒРИ ИШЛАТИНГ, ЁНҒИН ЧИҚМАСИН!

Ўзбекистонда 20 майдан ёнғин хавфсизлиги бўйича "Долзарб 30 кунлик" тадбирлари ўтказиляпти. Ойлик доирасида мамлакат бўйлаб ёнғинларнинг олдини олиш ва қамайтиришга қаратилган чора-тадбирлар кучайтирилган тартибда амалга оширилмоқда.

Азиз АШИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ЁХТТЭ 1-бўлиммаси бошлиғи,
капитан.

Ёнғиннинг жазирама кунларида ёнғин хавфи ортади. Айни даврдаги ёнғинлар келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилинганда, аксарият ҳолларда аҳоли яшаш жойларидаги ҳодисалар маиший кондиционер, музлаткич ҳамда тозаланмаган қуруқ



ўтларнинг ёнишидан келиб чиқиши ойдинлашади.

Кондиционердан узоқ муддат қаровсиз фойдаланиш, электр таъминоти қоидаларига риоя қилмаслик, биттага мўлжалланган қувват манбаларига бир нечта истеъмолчиларнинг улашиши, электр кабелларининг ҳаддан ташқари қизиқ кетиши оқибатида қисқа туташув юзага келиши мумкин ва бу олов чиқишига олиб келади. Шундай экан, кондиционерни ўрнатиш белгиланган кўрсатмаларга мувофиқ мутахассислар томонидан амалга оширилиши, электр симлари унинг қувватига бардош беришига эътибор қаратиш лозим. Кондиционерни улашда

мис симлардан фойдаланиш керак. Уларнинг қизиқ кетишига йўл қўймастик учун кондиционерни электр узаткич орқали улаш тавсия этилмайди. У фақат ушбу қурилма уланган манбадан қувватланиши зарур. Кондиционернинг электр таъминоти алоҳида кабель орқали тўғридан-тўғри умумий электр сими билан уланади.

Ҳудди шу талаблар маиший музлаткичлар учун ҳам қўлланилади. Қолаверса, кунлар қизиши муносабати билан корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, фуқаролар ўз худудларини қуриган ўсимликлардан тозалаш, уларни ёқмаслиги зарур.

ОЙЛИК



Мамлакат ичидаги транспорт қулайлигини ошириш мақсадида июнь ойи охиридан ИЧКИ МУНТАЗАМ АВИАКАТНОВЛАР СОНИ КЎПАЯДИ.



Кўчмас мулк объектлари савдоси ва транспорт қийматини БАҲОЛАШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ.



ТАБИЙ-ИҚЛИМ ШАРОИТИ ОҒИР БЎЛГАН ҲУДУДЛАР рўйхатиغا Амударё ва Бўзатов туманлари киритилди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

БЕМИННАТ КЎМАК КЎПЧИЛИК ҲАЁТИНИ ЎЗГАРТИРИБ ЮБОРДИ

Одамларга хизмат кўрсатиб қалбим роҳатланади. Ҳар сафар кимнингдир мушқулини осон қилсам, худди ўз яқин инсоннинг муаммоси ҳал бўлгандек севинаман. Хонадонларга кириб борар эканман, бизнинг меҳр ва эътиборимизга мушток кўзларга тикилиб, касбимнинг нақадар масъулиятли эканини қайта ва қайта тушуниб етавераман. Баъзи инсонларга кўп нарса керак эмас. Фақатгина ширин сўз ва кичик бир мослама тақдим этиш билан кўпчилигининг ҳаёти тубдан ўзгариб кетади.



Айни вақтда ҳудудимизда 79 нафар ногиронлиги бўлганлар истиқомат қилади. Кам таъминланган оилалар йил бошида 77 тани ташкил этган бўлса, ҳозир 49 тага туширилди. Бу натижага эришгунча аҳоли билан анча ишлашга тўғри келди. Ҳақиқий мухтожларга ёрдам бериб, имконияти етарлигини кўрсатиш билан кўпчилигини қўллаб-қувватлади.

Маҳалламизда истиқомат қиладиган бир аёл уч нафар фарзанди билан турмушдан ажрашган, анча оғир аҳволга тушиб қолади. Бу ҳам етмагандек, кенжаси жиддий хасталикка чалинади. Уни даволаш ва дори-дармонлари учун жуда кўп маблағ керак бўлади. Бундай шароитда она ва унинг болаларига кўмаклашиш учун "Саховат ва кўмак" жамғармасидан маблағ ажратилди. Фарзандларига нафақа пули тайинланди. Ўғлини мактабгача таълим ташкилотига имтиёзли равишда жойлаштирдик. Ҳозир уларнинг аҳоли олдидан анча яхши.

Жорий йилда маҳалламизда янги лойиҳа сифатида ногиронлиги бўлган ва кам таъминланган оила фарзандларини фан тўғрисида бепул таҳсил олишини таъминлашга эришдик. Айни вақтда мактаб ёшидаги 14 нафар бола бўш вақтини мазмулли ўтказиб, билим ва салоҳиятини ошириб келмоқда.

Шу кунларда яна бир оғир амалга оширишни режалаштирганмиз. Бунда ҳам ногиронлиги бўлган ва кам таъминланган оила вакиллари бўш турган бинодо ташкил этиладиган тикувчилик корхонасига ишга жойлаштиришни ўйлабмиз. Умид қиламизки, бу кўплаб оилалар фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шухрат ЙЎЛДОШЕВ,
Ғузур туманидаги
"Яқкадархат" маҳалласи
ижтимоий ходими.

Фаолиятим давомида ёлғиз яшаётган кексалар ҳолидан кўпроқ хабар олишга ҳаракат қиламан. Айримлари битта ҳасса олиб берсак ҳам хурсандлигидан кўлларини дуога очади. Миннатдор қиёфаларини кўриб, менга шундай хайрли ва савобли вазифа юклатилганини ич-ичимдан хис қиламан.

Маҳалла тизимида иш бошлаганимга ҳали кўп бўлмади. Бир йиллик тажрибамга асосланиб айтишим мумкинки, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилгандан буён жуда кўпчилигининг ҳаёти тубдан ўзгарди. Илгари дардини кимга айтишни билмай, сарсон юрган имконияти чекланган фуқаролар эшигини энди мутахассисларнинг ўзи тақиллатиб борапти. Эҳтиёждан келиб чиқиб, барча муурожаатлари жойида ечим топапти.

Маҳалла тизимидаги фаолиятим давомида 38 та кейс очилган бўлса, ҳар бирига алоҳида ёндашув асосида хизмат кўрсатилди. Хусусан, 2009 йилда туғилган Миродил Абдуназаров хасталик сабаб бир оёғидан айрилиб қолади. Шу вақтга қадар кўча-



Шу кунга қадар 7 нафар ногиронлиги бўлган бандлигини таъминладик. Ҳозир улар ўз имкониятидан келиб чиқиб, меҳнат қиляпти, рўзғори фаровонлиги учун муносиб ҳисса кўшяпти.

да тенгдошлари билан тўп тепиб юрган бола учун бу оғир мусибат бўлди. Икки йил давомида уйдан кўчага чиқолмади. Дарсларидан ортда қолиб кетмаслиги учун уй таълимига жалб этилади. Боланинг ҳолидан хабар олгани борганимизда қаттиқ тушкун ҳолатда эди. Унинг оёқ протезига эҳтиёжи борлиги сабаб бу муаммони тезда бартараф этдик. Шундан кейин Миродил яна дўстлари билан бирга мактабга қатнай бошлади. Шу орқали унинг ҳаётига мазмун кирди.



ЖАРАЁН МЕҲРЛИ МУҲИТДА ИШОНЧ ВА ҚАДРИЯТ УСТУВОР

Ёз фасли — бу нафақат табиатнинг қуёшли ва илқ кунлар билан тўлган даври, балки инсон саломатлигини мустақкамлаш, руҳий ҳолатини яхшилаш, ижтимоий мослашув жараёнларини янада самарали ташкил этиш учун муҳим имкониятлар палласидир. Шу боис аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш Хоразм вилояти ҳудудий марказида ёзги соғломлаштирувчи даврга тайёргарлик ишлари тизимли тарзда ташкил этилмоқда.



Анажон РАҲИМОВА,
Аёлларни реабилитация қилиш ва
мослаштириш Хоразм вилояти ҳудудий
маркази педагог-тарбиячиси.

Марказнинг вақтинчалик бошпанасига жойлаштирилган аёлларнинг вояга етмаган фарзандлари билан олиб борилаётган машғулотлар давомида болаларнинг бўш вақтини мазмулли ташкил этишга алоҳида эътибор бериб, уларнинг истеъдодини юзага чиқаришга кўмаклашмоқда. "Ёз — ўтмоқда соз" мавзусида марказдаги болалар ўртасида расм чизиш машғулоти мунтазам ўтказиб келинади. Хусусан, Муштарий Сапарбаева 2014 йилда Шовот туманида туғилган. Гарчи 4-синф ўқувчиси бўлишига қарамай, у чизган суратлар эътиборингизни тортмай қолмайди.

Марказ ҳудудидида экологик тозаликни таъминлаш, дам олиш бурчларини ободонлаштириш, болажонлар учун очик ҳавода машғулотлар ўтказиш имконини берувчи шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Ховли енгил спорт машғулотлари бажариш, йога ва эрталабки гимнастика машғулотларини ташкил қилиш учун мослаштирилди.

Педагогик ва психологик дастурлар асосида ёзги даврга мос маданий-маърифий тадбирлар режалаштирилди. Бунга касб-хуна ўргатиш машғулоти, китобхоналик кечалари, психологик тренинглар, ўз-ўзини англаш ва мустақкамлашга қаратилган муҳокамалар, бадий чикишлар ҳамда театр сахналарини оналари билан бирга ташкил этиш назарда тутилган. Шу билан бирга, тўғри овқатланиш, гигиена қоидаларига амал қилиш, саломатлиқни сақлаш бўйича суҳбатлар ва амалий машғулотлар ўтказилади.

Марказ жамоаси томонидан яратилаётган меҳрли муҳит, ҳар бир аёлнинг қадрият сифатида эътироф этилиши, унга ишонч билан ёндашув соғломлаштириш жараёнининг асосий тамойилларидандир. Ишонимизки, ёз фаслининг ҳар бир куни марказимиздаги аёллар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари учун унутилмас, фойдали ва таассуротларга бой тарзда кечади.

ИСТЕЪДОД

Иқтидор ва ижодий тафаккурни уйғотиб

Бугунги кунда болаларнинг истеъдодини эрта аниқлаб, уни қўллаб-қувватлаш таълим тизимидаги устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Пискент туманидаги 79-сонли алоҳида таълим эҳтиёжларига эга болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати ана шундай эзгу мақсад йўлида фаолият юритмоқда.



Элбек ШОЙИМКҮЛОВ,
журналист.

Бу ерда ўқувчиларнинг нафақат билим даражасини ошириш, балки уларнинг ички салоҳиятини рўёбга чиқариш учун ҳам кенг имкониятлар яратилган. Мактаб-интернатда тикувчилик, кулолчилик, дурадгорлик каби бир қатор тўғрақлар фаолият кўрсатади. Улар болаларнинг касб-хуна ўрганишига, ижодий тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

9-синф ўқувчиси Владимир Василев ўзининг санъатга бўлган меҳрини кулолчилик орқали намойён

этиб келмоқда. У қўли чаққон, ижодкор, меҳнатсевар йигит. Владимир боғдорчиликка ҳам қизиқади, табиат билан уйғун яшашни яхши кўради.

Жорий йилнинг 1-2 май кунлари республика миқёсида ўтказилган "Инсон учун" кўргазмасида Владимир ўзининг кулолчилик маҳсулотлари билан иштирок этиб, фахрли 1-ўринни қўлга киритди. Бу ғалаба нафақат унинг шахсий ютуғи, балки мактаб жамоаси учун ҳам катта фахрdir.

— Владимир ўзининг фидойилиги, ижодкорлиги билан кўпчилик болаларга ўрнак бўлиб келмоқда. Еш

иқтидор соҳибининг фаол иштироки бошқа ўқувчиларни ҳам илҳомлантиради, — дейди мактаб-интернат директори Дилфуза Усмонова. — Унинг орзулари улкан. Ижодга чанқоқ қалби билан келажақда ўз соҳасининг етуқ устаси бўлишни мақсад қилган.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Пискент тумани 79-сонли алоҳида таълим эҳтиёжларига эга болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ҳозирда 260 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Шунингдек, 17 нафар болага яқка тартибда, индивидуал ёндашув асосида таълим берилмоқда.

ҚУЛАЙЛИК

АДОЛАТЛИ ВА ИНСОНПАРВАР ЁНДАШУВ МУЖАССАМ

Йиллар давомида ногиронлиқни белгилаш тизими бўйича кўплаб эътирозлар билдирилган, бу йўналишдаги тартиб ва жараёнлар фуқароларга кўплаб нуқулвайликлар туғдириб келган эди.

Зарнигор НАФИДДИНОВА,
журналист.

Афсуски, айрим ҳолатларда фуқаролар кунун-қондан қолганга зид тарзда пул эвазига I ёки II гуруҳ ногиронлик макomini олиб, ижтимоий имтиёزلардан фойдаланишган. Бу эса, ўз навбатида, ҳақиқий ногиронлиги бор ва доимий ёрдамга мухтож инсонларнинг эътибордан четда қолишига сабаб бўлган. Бугун бу каби адолатсизликларга барҳам берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ногиронлиқни белгилаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида ногиронлиқни белгилаш тартиби тубдан янгиланиб, инсон саломатлиги ва ҳолатини баҳолашда замонавий, инсонпарвар ёндашув жорий қилинди.

Эндиликда ногиронлиқни белгилаш жараёни қуйидаги учта йўл орқали амалга оширилмоқда:

- *ту.gov.uz* портали орқали;
- "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари орқали;
- ижтимоий ходимлар ёрдамида,

оилавий шифокорга муурожаат қилиш йўли билан.

Шундан сўнг, оилавий шифокор фуқаронинг тиббий ҳужжатларини электрон тарзда тиббий-ижтимоий экспертиза комиссиясига юборади. Муҳими, ҳужжатлар топширилгач, икки кун ичида кўрик санаси ҳақида SMS хабарнома юборилади.

Янги тартибнинг яна бир устун жиҳати — ногиронлик эндиликда фақат тиббий ҳужжатлар асосида эмас, балки фуқаронинг функционал имкониятлари ва амалдаги соғлиғи ҳолати асосида баҳоланади. Қарор эса айнан шу куннинг ўзида электрон шаклда қабул қилинади.

— Авваллари ногиронлик гуруҳига чиқиш жуда қийин эди, — дейди

II гуруҳ ногиронлиги бўлган Мавлуда Отақулова. — Унталаб ҳужжат йиғиш, навбат кутиш, шифокор қабулида саатлаб қолиш касал тугул, соғ одамни ҳам ҳолдан тойдирарди. Энди эса ижтимоий ходим ўзи уйга келади, ҳужжатлар осонлик билан йиғилади. Телефонимизга хабар келиб, қачон ва қаерга боришимизни билдиради. Борамиз, кўриқдан ўтамиз, холос. Жуда қулай ва одилона тизим яратилганидан миннатдорман.

Ушбу ислохотлар ногиронлиги бўлган фуқароларга нафақат қулайлик, балки адолат, очкилик ва ҳурмат асосида ёндашувни кафолатлайди. Бу — инсон саломатлиги ва қадр-қимматини эътироф этиш йўлида муҳим қадамлардан биридир.



АБДУҚОДИР ҲУСАНОВ
“Манчестер сити” таркибида клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати иштирокчисига айланди.



Венгрияда дзюдо бўйича **КАТТАЛАР ЎРТАСИДАГИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ**да 18 нафар ўзбекистонлик спортчи қатнашади.



Шахмат:
Лондонда дунёнинг 116 гроссмейстеридан ташкил топган жамоалар ва **“UZBEKISTAN” ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛИГИ** учун курашади.

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!



ХИДОЯТ ЁҒДУСИ

Зариф КОМИЛОВ,
Андижон вилояти:

– *Кизи хотини билан ажрашса, собиқ аёли ва болаларининг моддий эҳтиёжларини таъминлаш керакми? Она ва болалар учун уй олиб бериши шартми? Шароит нуқтаи назаридан уй қай даражада бўлиши керак?*

ЭР ХОТИНИ БИЛАН АЖРАШСА, БОЛАЛАРИГА УЙ ОЛИБ БЕРИШИ КЕРАКМИ?

Ўзбекистон муслмонлари идораси Фатво хайъати:

– Ажралган хотиннинг иддаси ўтгандан кейин хотинни таъминлаш эрнинг зиммасида бўлмайди (идда ичиди хотиннинг таъминоти эрнинг зиммасида). Лекин ота ўғил болаларни балоғатга етгунча, қизларни турмушга чиққунча еб-ичиш, кийиниш ва уй-жой билан таъминлаш шарт. Таъминламаса, гуноҳкор бўлади. Бу ҳолатда болалар отаси билан яшайдими ёки онаси билан яшайдими, фарқи йўқ. Баъзилар она болани ўзи билан олиб кетса, таъминотини ўзи қилсин, деган нотўғри тушунчада юради. Болаларини уй-жой билан таъминлаш учун уйни ижарага олиб берадими ёки ўзига сотиб олиб, болаларини қўйиб қўядими ёки уларга ҳада қиладими, фарқи йўқ. Ўғил болалар ўзини ўзи эплай оладиган бўлгунча (тахминан 5-6 ёшгача), қизлар вояга етгунча уларни тарбиялашга энг ҳақли шахс онасидир. Лекин онаси эрга тегиб кетса, болалар отага қайтарилади. Болалар яшаш жойининг шароити камида ўртача бўлиши керак, яхши бўлса, отага савоб бўлаверади.

МАҚСАД САРИ КУЧЛИ ҚАДАМ БИЛАККА ҲАМ БОҒЛИҚ ЭКАН...

БАДАНТАРБИЯ

Арқонга тирмашиб чиқиш – мушакларни ривожлантирадиган ажойиб машқ саналади. Машғулот билан музтазам равишда шуғулланиш эпчилликни, шунингдек, ҳаракатларни мувофиқлаштиришни ўргатади.

Тана оғирлигини кўтарган ҳолда юқорига кўтарилиш кишидан жуда кўп қувват талаб этгани боис ортқича вазндан халос бўлишга ёрдам беради. Жараёнда умуртқа поғонаси фаол иштирок этгани учун қадди-қомат расо бўлади.

Ушбу ортқича шароит талаб қилмайдиган машқ турини ҳамма ҳам уйда бажариши мумкин. Аввалига қийиндек туюлган довонни аста-секин ўз устида ишлаш орқали забот этса бўлади. Айниқса, мактаб ёшидаги болаларни арқонга тирмашиб чиқишга жалб қилиш кўплаб ижобий натижаларни кўрсатади.

Биринчи навбатда, боланинг жисмоний имкониятлари юзага чиқишни бошлайди. Олдига мақсад қўйиб, унга етишишни ўрганади. Қийинчиликларни енгиб ўтар экан, иродаси мустаҳкамланади. Кўзлаган натижани кўлга киритиш учун курашиш асносида ичидидаги кўркув ва иккилангиш туйғуларини енгишни бошлайди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, арқонга чиқиш билан ва кафт соҳаларининг мустаҳкамлигини оширади. Бармоқлар тобора кучга тўлиб боради. Шунинг учун боксчи ҳамда кураш усталари чинқиш ва мушакларини бакуват қилиш учун тез-тез арқонга чиқишни одат тусига айлантирган.

Арқонга тирмашиб чиқиш оғир атлетикачиларнинг ҳам сеvimли машғулот саналади. Бундан тўғри ва унумли фойдаланиш кўникмасини ривожлантириш орқали янада кўпроқ натижаларни кўлга киритиши мумкинлигини яхши билади.

Мутахассислар арқонга тирмашиб чиқишнинг икки хил усули борлигини таъкидлайди. Биринчиси, фақат қўл билан амалга оширилса, иккинчи усулбда оёқлар ҳам иштирок этади. Қарабсизки, сон ва болдир мушаклари анчагина чинқади. Бу одамнинг ўзига ва атрофдагиларга ҳам яққол сезила бошлайди.

Нухриддин АБДУҲОМИДОВ,
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ўқитувчиси.

БИЛИБ ҚҮЙИНГ! Юртимизга ёз фасли кириб келди. Бу даврда кузатиладиган иссиқ ҳарорат инсон танасида баъзи муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис ҳар бир одам шахсий гигиена қоидаларига амал қилиши зарур.

Ёз соз ўтсин десангиз...

Биламизки, иссиқ ҳавода айрим озиқ-овқат маҳсулотлари жуда тез айнибди. Шу сабабли доим тоза ва озода жойларда таомланиш, сифати тез бузиладиган маҳсулотлардан сақланиш зарур. Бозорлар, кўчалар ва йўл ёқаларида сотиладиган уй шароитида тайёрланган егуликлар ҳамда айрон, ўрик шарбати каби қўлбола ичимликларни истеъмол қилмаган маъқул. Шунингдек, мева ва сабзавотларни яхшилаб ювиб, сўнг тановул қилиш керак. Ёшт ва сут маҳсулотларини фақат совитчида сақлаш тавсия этилади. Чўмилиш ҳавзаларидаги ифлосланган сув ўткир вирусли ичак инфекциялари, гепатит (А, Е), ичбуруғ, ичтерлама, лямблиоз каби хавфли касалликларни келтириб чиқаради. Шунингдек, очиқ сув ҳавзаларида сузиш турли тери хасталиклари, бурун,

оғиз ва қулоқ шиллиқ қаватлари яллиғланишига ҳам олиб келиши мумкин. Шу боис фақат тоза ва дезинфекцияланган сунъий сузиш ҳавзаларида чўмилиш лозим. Шахсий сочик ва сузиш воситаларини ишлатиш, уларни бегона одамларники билан алмаштирмадик зарур. Ёз фасли кўрук бўлгани учун чанг ва ғуборлар ҳавога тез кўтарилади. Шу боис уйларни озода сақлаш, намликни назорат қилиш ва ҳавони алмаштириб туриш жуда муҳим. Эшик тутқичлари, стол-стул ва бошқа тез ифлосланадиган жойларни дезинфекция воситалари билан тозалаш турли касалликларга чалинишнинг олдини олади. Бундан ташқари, кондиционер ва вентиляторлардан тўғри фойдаланиш саломатликни сақлашда жуда муҳим. **Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати.**

ЖАЗИРАМАДА сув меъёри қандай?

Ғули ШАЙХОВА,
Тошкент тиббиёт академияси Овқатланиш гигиенаси ва болалар, ўсмирлар гигиенаси кафедраси профессори.

Ёзнинг иссиқ кунларида терлаш натижасида инсон танаси кўп суюқлик йўқотади. Бундай пайтда унинг сувга бўлган эҳтиёжини керакли ичимликлар билан тўлдириш жуда муҳим. Жазирамада соғлом инсон ўртача икки-уч литр суюқлик ичиши керак. Бунда нафақат сувнинг микдори, балки ҳарорати ҳам муҳим. Хусусан, 36-37 даражали оддий сув танада метаболизм

ва ичак фаолиятини яхшилаб, қондаги холестерин микдорини пасайтиради ҳамда танани токсинлардан тозалайди. Чанқоқ пайти яшил ёки ўсимлик чойлари (*ромашка, ялпиз ва бошқалар*), қорағат, олча, олхўри каби нордон мевалардан тайёрланган шарбатлар, айрон, кефир ичиш жуда

фойдали. Сабаби, улар орқали танага минерал моддалар ва витаминлар кириб боради. Қаҳвани хуш кўрувчилар кучли жазирама пайти бу ичимликдан воз кечиши яхшироқдир. Чунки у чанқокни босмайди, аксинча таркибидagi кофеин қон босимини ошириб, танани сувсизлантиради.



СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

Шунингдек, имкон қадар қадокланган шарбатлар, ширин газли ичимликларни таомномадан чиқарган маъқул. Улар таркибидagi кўп микдордаги шакар ва консервантлар чанқокни янада кучайтиради. Бундан ташқари, бодринг, селдерей, қовун, тарвуз, апельсин ҳам чанқокни яхши босади. Айниқса, ёзги таом бўлмиш гўжа жоннинг роҳати. Бирок ёзда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар таркиби тез бузилишини эътиборга олсак, бозорларда, катта йўл четларида сотиладиган қўлбола ва яроқлилик муддати ўтган ичимликларни ичиш саломатлик учун хавфли. Юрак-қон томир, буйрак хасталигидан азият чекувчи инсонларга эса кўп сув ичиш тавсия этилмайди. Бундай беморлар шифокор назорати остида суюқлик истеъмол қилиши лозим.